

## ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

2-саҳифа



## ЎЗГА ЮРТДА ХОР БУЛМА, ДУСТИМ!

3-саҳифа



## РАҲБАРЛИК ЮКИ

4-саҳифа



O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

Biz — kelajak bunyodkorimiz!



# YOSHLAR OVOZI

№33 (16338) 2019-YIL 21-APREL, YAKSHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovoz.uz

yoshlarovoz@umail.uz

@Yoshlarovoz

Сайтнинг айтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

## АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ЭҲТИРОМ ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

**Аввал хабар қилинганидек, Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлиб турибди.**

Олий даражадаги ташриф доирасида 20 апрель куни Тошкент шаҳрида Корея маданияти ва санъати уйининг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин рафиқалари билан биргаликда ушбу дўстлик ва маданият саройини очди.

— Пойтахтимиз кўرкак-кўркак бўлиб турган ушбу мухташам иншоот кнефасида замонавий архитектура ютуқлари анъанавий корея маданияти билан уйғунлашган. Бу маскан халқларимизнинг мустақам дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар юқори босқичга кўтарилганининг ёрқин тасдиғидир, — деди давлатимиз раҳбари.

— Бу марказ дўстлик, аҳиллик ва муштараклик

майдонидир. Ўйлайманки, у Ўзбекистондаги корея диаспораси, шу ерда ишлаётган кореяликлар ва барча ўзбекистонликлар учун умумий уй бўлади. Кўп жиҳатдан ўхшаш халқларимиз ва дўстлик ришталари мустақамлашиб бораётгани давлатларимизни боғлаб туради, — деди Мун Чжэ Ин.

Саҳнада кореяларнинг юртимизга кўчириб келтирилиши, халқимиз билан аҳил яшаши ҳақида бадий композиция намойиш этилди.

Маълумки, 1937 йилда Узоқ Шарқдан ўн минглаб кореялар мамлакатимизга кўчирилган. Уша пайтдаги кийинчиларга қарамай, ўзбек халқи уларни очик қалб билан қабул қилган, бошпана бериб, меҳр кўрсатган. Ўзининг меҳнатсеварлиги ва қатъий иродаси туяфайли кореялар юртимизда иккинчи Ватанини топди. Бугун улар

барчамиз учун ягона Ватан бўлган Ўзбекистонимиз тараккиети йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Корея диаспораси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ажралмас қисми бўлиб, анъанавий тарзда мамлакат миқёсида ўтказиладиган барча оммавий ва маданий тадбирларда фаол иштирок этади.

Пойтахтимиздаги "Дўстлик боғи"да корея диаспораси томонидан саҳаватли ўзбек заминидagi бағрикенглик, самимийлик ва ғамхўрлик, тинч ва осойишта ҳаёт учун миннатдорлик белгиси сифатида ёдгорлик монументи барпо этилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда корея миллатига мансуб 180 мингдан зиёд юртдошларимиз яшайди. Уларнинг уч юзга яқини давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган.

Мамлакатимизда барча миллат ва эллат вакиллари қатори корея миллатига мансуб юртдошларимиз учун

ҳам ўз миллий маданияти, тили, урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаши ва ривожлантириши учун барча шароит яратилган. Ўнлаб корея маданият марказлари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, 12 та олий таълим муассасасида корея филологияси, 48 та мактаб ва лицейда корея тили ўқитилмоқда. Корея тилида китоб ва газеталар чоп этилмоқда, кўرғазмалар, концерт ва фестиваллар ўтказилмоқда. Спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Давлат раҳбарлари ўзбекистонлик корея расомлари асарлари кўрғазмаси билан танишди.

Бугун пойтахтимизга ўзгача кўрк бағишлаб турган Корея маданияти ва санъати уйи қурилиши бундан уч йил муқаддам бошланган. Шавкат Мирзиёев ушбу иншоотга рамзий тамал тоши қўйиш маросимига қатнашган эди.

(Давоми 2-саҳифада)



YOSH TADBIRKOR — YURTGA MADDAKOR

## ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

Ромитан туманидаги Сарвибўстон қишлоғида истикомат қилувчи Аслидин Ақромов ҳамқишлоғи Нозимжонни болалигидан билади. Дўсти одамдони, камсукум йигит. Отаси чет элдан ишларди. Орада онла анча қийналиб яшайди.

— Мактабни тутатишим билан мен ҳам Россияга кетмоқчи эдим, — дейди Нозимжон.

19 ёшли Аслидин тенгдошнинг дардини ичидан ўтказиб, хар сафар: "Қатта бўлсам, хусусий қорхона очаман. Дўстим ва унинг отасига ўхшаган инсонларни иш билан таъминлайман. Кун келиб қишлоғимиздан хо-

рифта ишлаш учун кетадиганлар қолмайди", — дерди ўзига-ўзи.

Нихоят, у Бухоро академик лицейини тамомлаб, "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси кўмағи билан банкдан 100 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олди. Қалайчорбоғ қишлоғи "Боғитуркон" маҳалласи ҳудудидаги узоқ йиллардан буюн фойдаланилмаётган ерда цемент ва цемент маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган қорхона қурди. Ҳозир қорхона конвейеридан кунига миңг донна блок ҳамда 300 донна мрамар плитаси чиқмоқда.

— Узоқ вақт хорикда тирикчилик қилиб юрган беш нафар ҳамқишлоғимни иш билан таъминладим, — дейди Аслидин Ақромов. — Улар орасида Нозимжоннинг отаси ҳам бор. Амаким фарзандлари бағрига қайтганидан хурсандман. Яқинда ёш тадбиркор бетон маҳсулотларини сотиш бўйича "Ромитан бино қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти билан илк шартномани имзолади. Бундай қалби уйғоқ ёшларимизга омад доимо ёр бўлсин, деймиз.

Лайло ҲАЙИТОВА

## САҒГА ҚЎШИЛМАГАН АРМОНДА

**Жиззахда "Келажак — юксак маънавиятли ёшлар қўлида!" шиори остида ёшлар сайли бўлиб ўтди.**



Вилоят ҳокимлиги, Иттифоқнинг худудий кенгаши ва бир қатор муассасалар ташкилотлари ҳамкорлигида Ёшлар шаҳарчасида ташкил этилган маърифий тадбир Президентимиз томонидан ёшлар масаласида илғари сурилган бешта муҳим ташаббус тарғиботига бағишланди.

Эрталаб шаҳарча худудида 500 нафарга яқин йигит-қиз бадантарбия машқларини бажариш учун саф тортиди.

— Кундалик ташвишларга кўмилиб, соғлигимизга кўп ҳам эътибор бермаймиз, — дейди Туреунбой Хошимов. — Бугун эса, тоза ҳавода ёшларга қўшилиб, маза қилиб спорт билан шуғулландим. Рухим анча тектиланди, баданим чиникди. Бундай машғулотларни сира қанда қилмаслик керак экан.

Бирок бадантарбия билангина чекланиб қолмадик. Кун давомида юрағида ўти бор ёшлар кураш, стол тенниси, аркон тортиш, қаратг, ўзбек жанг санъати, таэквондо, самбо, шахмат мусобақаларида ҳам ўзини синаб кўрди.

Бундан ташқари, шаҳарча худуди бўйлаб симсиз интернет тармоғи — Wi-Fi дан беғул фойдаланиш имконияти яратилди. Ахборот технологияларига кизикувчи ёшлар учун эса, глобал тармоқдан самарали фойдаланиш маззасида маҳорат дарслари ўтилди.

Роботлар ва бошқа хилдаги инновацион илмий-техникавий ишланмалар кўрғазмаси, шунингдек, китоб ярмаркасида ҳам одам арилади.

Ёшлар сайли кеча бориб янада кизгин тус олди. Фольклор жамоаларининг чиқишлари, болалар мусика ва санъат мактаблари ўқувчиларининг тасвирий санъат асарлари кўрғазмаси, виллоят болалар кўғирчоқ театрининг бир-бирдан завқли томошалари йиғилганларда қатта таассурот қолдирди.

Жиззах давлат педагогика институти Маданият саройида "Истеъдод" талабалар театр-студияси томонидан намойиш этилган "Меҳрибоним, қайдасан?" драмаси ҳам томошабинларнинг қалбидан чуқур жой олди.

Яқини гала-концертга эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар ҳамда "Қувноқлар ва зукколар" танловига жамоаларининг чиқишлари алоҳида фойз қилди.

Ёшлар сайлида салкам саккиз миң нафар йигит-қиз иштирок этди. Лоинҳага вақтинча илсиз ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ва харбий хизматчилар кенг камраб олинди.

Элдор НАВРҲЎЗОВ. Муаллиф олган сурат.

**Ёшлар пресс-клубида "Ўзбекистонда Қозоғистон йили: ёшлар нигоҳида" мавзусида учрашув бўлиб ўтди.**

## МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ

YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

Унда Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши мутахассислари, худудий кенгашлар раислари, ўзбек-қозок миллий-маданий марказлари вакиллари ҳамда икки миллат ёшлари иштирок этди.

Мулоқот давомида Ёшлар иттифоқининг Томди тумани кенгаши томонидан бажарилган ишлар сарҳисоб қилиниб, мамлакатимизда Қозоғистон йили доирасида амалга ошириладиган ишлар хусусида фикр

алмашилди. Миллатларимиз ўртасидаги ҳамдўстлик алоқаларини янада мустақамлаш ва мамлакатимизда истикомат қилаётган қозок миллатига мансуб ёшларнинг фаоллигини ошириш борасида истиқболдаги режалар ҳақида маълумот берилди.

— Ёшлар иттифоқи томонидан ўтказиладиган хар бир лойиҳа ва тадбирда қозок ёшлари ҳам фаол қатнашапти, — дейди Ёшлар иттифоқининг Томди туман кенгаши раиси



Эркебулан Тайбагаров. — Юртимизда Қозоғистон йили ўтказиладигани икки давлат ёшлари учун ҳам бирдек қувончли ҳодиса бўлди. Бу уларнинг ўзаро дўстлик алоқа-

ларини янада мустақамлаб, бир ёқадан бош чиқариб фаолият олиб бориши учун замин яратди.

Дилфуза ЖАМОЛОВА

SHU SONGA XABAR

## СЕНДА ҲАМ ИСТЕЪДОД БОР

**Пойтахтимизда имконияти чекланган болалар тайёрлаган ижодий ишларнинг хайрия кўрғазмаси ўтказилди.**

Ёшлар иттифоқи, "Муъжизалар даври" кўнгили гуруҳи ва Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда болалар уйлари ва махус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини юзга чиқаришга қаратилган кўрғазмада 1 миңг беш юздан ортиқ ижодий иш намойиш этилди. Болалар томонидан чизилган



суратлар, улар ясаган юмшоқ ўйинчоқлар барчада қатта таассурот қолдирди.

Тадбир давомида имконияти чекланган болалар билан ишлашни янада ривожлантириш, бу йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш борасида фикр алмашилди. Яқинда таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт болажонларга бир олам қувонч улашди.

МАҚПБЕКОВА

ESHITDINGIZMI?

## ФАОЛ ТАЛАБАЛАРГА ИМТИЁЗ БЕРИЛДИ

**Пойтахт олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 552 нафар талабага бир йиллик контрактнинг 35 фоизи Ёшлар иттифоқи ҳисобидан тўлаб берилди. Бунинг учун 1 миллиард 933 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Қуни кеча грант соҳибларига махус сертификатлар топширилди.**

Бундай имтиёз 2017 йилдан буюн амал қилмоқда. Унга ўзлаштириш даражаси 86 фоиздан юқори бўлган, жамоатчилик ишларида фаол йигит-қизлар эришиши мумкин.

— Факультет етакчисиман, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг хоржий филология йўналишида ўқийётган Мухлиса Маҳманазарова. — Ҳозир ўзбек халқ мақолларини хитой тилига таржима қилиш устида иш олиб бораётган. Иттифоқнинг кўмағи айни муқдда бўлди. Бунинг учун қатта раҳмат.

Имтиёзли сертификатларга жиссаҳлик 79 нафар талаба ҳам эришти. Улар виллоят мусикали драма театрида тақдирланди. Умумий маблағ 236 миллион сўмини ташкил қилган.

Навоий виллоятида эса, жорий йилда 51 нафар тенгдошимиз ёшлар ташкилотига кўмағидан фойдаланиши мумкин.



Мухбиримиз

# АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ЭҲТИРОМ ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Корейс маданияти ва санъати уйи 478 ўринли киноконцерт зали, конференциялар зали, кутубхона, бадиий галерея, ресторан ва хизмат хоналарини ўз ичига олган. У жамоатчилик ва ёшлар интиладиган, муштарак маданиятимизни бойтадиган яна бир масканга айланади. Бу кун алоҳида стратегик шерик давлатлар — Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари тарихида яна бир ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин куннинг иккинчи ярмида Самарқанд шаҳрига келди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Мун Чжэ Ин рафиқалари хамроҳлигида Самарқанддаги тарихий обидаларни томоша қилди.

Давлат раҳбарлари дастлаб Мирзо Улуғбек расадхонасига ташриф буюрди. Амир Темурнинг суюкли набираси бўлган Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек буюк астроном олим ва ҳукмдор сифатида илм-фан ва маданият ривожига катта ҳисса қўшган. Ўрта асрлардаёқ ноёб расадхона кашф қилиб, осмон jismlarini жуда аниқ ўрганган. Унинг “Зижи жадиди Қўрагоний” асари дунё астрономия фани ривожига муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Мирзо Улуғбек ҳақида корейликлар ҳам маълумотга эга экани, бу ерга келган киши унинг зехни, илм-фан ривожига қўшган ҳиссаи бекиёслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея

Президентлари “Афросиёб” музейида бўлди.

Самарқанд шаҳрининг уч минг йиллик тарихидан ҳикоя қилувчи мазкур музей, бу ердаги ноёб экспонат ва деворий суратлар бутун дунё сайёҳларини, айниқса, корейликларни ўзига жалб этиб келади. Чунки VII асрга оид деворий суратлардан бирида Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея – Когурё элчисини қабул қилиш маросими ҳам акс этган.

Жанубий Корея Президенти ушбу тарихий суратни хайрат ва эътибор билан томоша қилар экан, халқларимиз ўртасидаги алоқалар узок ўтмишга бориб тақалишини, бу дўстлик ва ҳамкорлик бундан кейин ҳам бардавом бўлишини таъкидлади.

Шу ерда, давлат раҳбарлари ху-

зирида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан Корея Республикасининг Маданий мерос маъмурияти ўртасида имзоланган маданий мерос соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми ўзаро алмашилди.

Дунёга машҳур Регистон майдони — аждодаларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини намоён этувчи яна бир маскан. Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларининг маҳобати, ўзига хос архитектураси ҳаммада хайрат ва ҳавас уйғотади.

Корея Республикаси Президенти ҳам Регистондаги Тиллақори мадрасаси ва масжидини, миллий хунарамдчилик махсулотлари кўргазмаларини томоша қилди. Олий мартабали меҳмонга мадрасалар-

нинг қурилиш тарихи, пештоқларидаги нақш ва рамزلарнинг мазмуни ҳақида сўзлаб берилди.

Шу ерда мажмуа зиёратига келган сайёҳлар ва Самарқанд шаҳри аҳолиси Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларини қарсақлар билан олқишлади.

Қайд этиш лозимки, дунё халқларининг нуфузли санъат байрамига айланиб улгурган “Шарқ тароналари” халқаро мусика фестивалини Регистон майдонисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар икки йилда ўтказиладиган мазкур тадбирда Корея Республикаси жамоалари ҳам мунтазам катнашиб, юқори натижаларга эришиб келмоқда.

Хусусан, 2017 йилда ушбу давлатнинг “Геосонг” халқ кўшиқларини саклаш фонди жамоаси биринчи

ўринни қўлга киритган эди. Жорий йилда Регистонда “Шарқ тароналари” халқаро мусика фестивали ўн иккинчи марта ўтказилди ва унда Кореядан ҳам жамоалар катнашиши кутилмоқда.

Амир Темур макбараси зиёратига чоғида меҳмонларга буюк бобомизнинг давлатчилик сийсати, ҳарбий маҳорати, турли мамлакатлар билан дипломатик алоқалари ҳақида сўзлаб берилди. Амир Темур ва те- мурийлар давлати ўз даврининг энг улкан ва ривожланган мамлақати бўлгани меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

NUQTAYI NAZAR


## ТАШАББУС ЎЗИМИЗДАН ҲАМ ЧИҚСА

Китобсевар халқимиз. 2700 йил аввал аждодаларимиз 12 минг қорамол терисига “Авесто” ёдгорлигини битиб кетгани бунинг ёрқин мисолидир. Қадимги юнон императори Искандар Зулқарнайн бу муқаддас китоб инсонларни Ватан ҳимояси йўлида бирлаштира олишини билгани учун ҳам уни бутунлай ёқиб юборишга фармон берган эди.

Тарихда ўтган кўплаб улуг шахслар ўздан кейин авлодларга забардаст асарларни мерос қилиб қолдирган. Масалан, юнонларнинг “Илиада” ва “Одиссея” достонлари, Хитой донишмандларининг ҳикматлари, ҳиндларнинг “Маҳобҳорат” ва “Рамаёна”си, араб, эрон, япон, корейс, ўзбек халқларининг қадимги қўлёзмалари бизгача етиб келди. Ушбу ёдгорликлар миллиятнинг маънавий илдиэлари ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Ота-боболаримиз китобга эътиборсиз бўлмаганини Самарқандда икки минг йил олдин қозғош ишлаб чиқарила бошланганидан ҳам билиш мумкин. IX–XII асрларда она заминимиздан жаҳон илм-фанини юксакларга кўтарган буюк алломалар етишиб чиқилишининг замирида ҳам илмга ташналик ётади.

Тан олайлик, ҳозир кўпгина йилит-қизлар Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, ибн Сино каби қомусий олимлар ёзган асарларнинг номларини билади, ҳоло. Аммо мазмун-моҳияти билан яхши таниш эмас. Демак, ўша бебаҳо меросни халқчил тилда талқин этиб берувчи рисо- лалар яратишга зарурат бор. Бу бўйича ёш шарқшунос ва тарихчилар ўртасида танлов



эълон қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўйлашимча, ёшларни китоб ўқишга, аввало, ота-она шахсий ибрат кўрсатиши йўли билан қизиқтириши керак. Чунки куш уюсида кўрганни қилади. Ўзбек адабиёти хазинасида ҳам инсонларни маънавий қаратган қомолотга етакловчи дурдоналар талайгина. Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, Абдурауф Фитратнинг “Онла”, “Нажот йўли”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарлари, шулар жумласидан.

Афсуски, айрим юртдошларимиз боласига илму маъри- лалар яратишга зарурат бор. Бу бўйича ёш шарқшунос ва тарихчилар ўртасида танлов

моқда. Аммо шунча маблағ сарфлаганга яраша натижаси нима бўляпти? Дастурхондаги ноз-неъматлар кўпга қолмай тугайди-кетайди. Китоб эса, қалбларда мангу қола- жақ. У фарзандларимизни тарбиялайди, яхшиликка эр- гаштиради.

Француз файласуфи Жан Жак Руссо: “Фарзандларингиз- ни толесиз қилишнинг энг си- налган йўлини айтишимиз? Улар нима деса, нимани сўраса, ҳаммасини муҳайё қилаверинг. Ёш боланинг истаган нарсаси муҳайё қилинса, у бориб- бориб нафс балосига гирифтор бўлади. Нафсининг қули бўл- ган кишидан эса, инсоният ва жаҳмият зарардан бошқа нарсга кўрмайди”, — деб огоҳлантир- ган.

Бугун юртимизда китобхон- лик тарғиботи давлат сийсати даражасига кўтарилган. Энг кўп китоб мутолаа қилган ёшларга автомобиль совға қили- няпти. Албатта, бундай рағ- бат механизми керак. Бирок ташаббус ўзимиздан ҳам чиқ- са, бу ишга зиёди қатлам бош қўйса, самара янада юқори- рок бўлишига ишончим қомил.

XX асрнинг иккинчи яр- мидан бошлаб китобхонлик- ҳам жиддий эътибор қаратган Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Хитой, Хиндистон каби давлатлар тараққиётда анча илгарил- аб кетди. Бундай йўлни биз ҳам босиб ўта оламиз. Буюк аждодалардан ибрат олиб яша- ким, қифоя.

Ақбар ГАНИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Қуролли Қучлари  
академияси доценти

ANJUMAN

## САНОАТИМИЗ — ОҒИР, ЮКИМИЗ — ЕНГИЛ

Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида “Олмалик кон-металлургия конбинати техноген қолдиқларини қайта ишлаш масаласида замонавий муаммолар ва уларнинг ечимида инновацион технологиялар” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда АКШ, Жанубий Корея, Россия, Германия, Франция, Буюк Британия, Қозғистон ҳамда юртимиздан юз нафардан зиёд олим ва талқикотчи, шунингдек, ол- тимидан зиёд компаниянинг етакчи мутахассислари ишти- рок этди.

Полиметалл ва техноген кон майдонларини ўзлаштириш бўйича жаҳондаги тенденция- лар, бу йўналишда олиб бори- лаётган талқикотлар натижа- лари хусусида сўз юритилди. Илмий ишланма ва лойиҳалар тақдим этилди.

Экспертлар техноген май-

донларни қайта ишлаш, бунда замонавий технологиялардан фойдаланиш, махсулот ҳаж- мини ошириш хусусида фикр алмашди.

— Икки йил мобайнида Ўз- бекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан ҳамкорликда синов тарихида янги инно- вацион лойиҳани амалга оши- ряпмиз, — дейди корейлик ёш олим Пак Ван Сог. — Бугунги анжуманда замонавий ахборот технологияларини санаятда қўлданга доир маърузам би- лан катнашдим.

Йилганлар тизимда илғор



технологияларни жорий этиш ишлаб чиқариш ҳамда махсулот сифатининг

ортишига хизмат қилишини таъкидлади. Рисолат МАДИЕВА

TALIM TARAGQIYOTI

## ЯНГИЧА ТАЪЛИМ — ЯНГИ МУТАХАССИСЛАР

Мамлакатимизда таълимни ривожлантириш, хорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув муассасаларининг илғор тажрибаси- ни жорий этиш, ўзаро яқин шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, таълимга чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай шарт-шароитни яратиш зарурати тобора кучаймоқда.

Чунки бугунги авлод хар томонлама етуқ, халқаро тажри- ба ва андазалар асосида таълим олишини даврнинг ўзи талаб этапти.

Иқтисодий тармоқлар учун юқори малакали кадрлар тай- ёрлаш тизимини янада тақо- миллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик- нинг кенгайтириш мақсадида жорий йил 20 мартда Ўзбе-

кистон Республикаси Президенти- нинг “Тошкент шаҳрида Вебстер университетининг таълим дастурларини амалга ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида” қарори қабул қилинди.

Таъкидлаш керак, дарслар инглиз тилида, замонавий ўқув методларидан фойдаланиш ҳолда олиб борилади. Жумладан, электрон таълим

Webster UNIVERSITY

ва масофавий таълим техно- логиялари асосида универси- тет томонидан тасдиқланган ўқув режалар ва дастурлар асосида амалга оширилади.

Илққабул жараёни 2019–2020 ўқув йилидан бошланади. Ба- қалавур ҳамда магистратурага 16 та йўналиш бўйича аби- турнентлар қабул қилини- ши кўзда тутилган. Марказ- да абитурнентлар қабули ва битирувчилар аттестация- си Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишил- ган ҳолда, университет томо- нидан белгиланган талаб ва тартибларга мувофиқ амал- га оширилади. Битирувчи- ларга университет дипломи берилди.

Айтиш керак, марказ- да ахборот-коммуникация технологиялари, оммавий ахборот воситалари, тадбир- корлик, табиий фанлар ва пе- дагогика соҳаларида халқаро стандартлар асосида мута- хассислар тайёрланади.

Муҳтасар айтганда, юрти- мизда хорижий таълим муас- сасаларининг кўпайиши таъ- лим сифати юксалиб, илғор мамлакатлар тажрибалари миллий анъаналаримиз билан уйғунлашувига хизмат қилади.

Динара ЮСУПОВА,  
Алишер Навоий номидаги  
Тошкент давлат ўзбек  
тили ва адабиёти  
университети талабаси

YUKSALISH

## ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

Тунда қўшни ҳовлидан ғалати товуш эшитилди. Кейин билсам, Нодир ака ичиб келиб, аёлини роса қалтақлабди. Бечора Мунира опа жон ҳолатда қўшнилардан ёрдам сўраб чиқибди.

Ўйлаб кўринг, аёлга қўл кўтариш мумкинми? Бу каби тушунчанинг шаклланишига сабаб нима? Назаримда бу каби вазиятлар диний саводхонликнинг суестилиги натижаси- да юзага келмоқда.

Боз устига, худкуш кимсалар дунё- нинг турли давлатларида динни никоб қилиб, зўравонлик ва қон тўкишгача борапти. Улар ғаразли ниятини дин ортига беркитиб, вайронкор ғоя та- рафдорлари сафини кенгайтирмоқда. Бу каби инсонлар ораимизда йўқ, деб ҳеч ким қафолат бермайди. Бундай пайтда диний билимни ошириш асо- сий масала ҳисобланади.

Юртимизда бузғунчи ёт ғоялар- нинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида аҳолини, айниқса, ёшларни хабардор қилиш, миллий ва диний қадриятларимизда бегона ғояларга нисбатан мурокасиз муносабат муҳитини шакллантириш борасида амалий ишлар олиб боришмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Ди-

ний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тад- бирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ Тошкент ислом универ- ситети негизида ташкил этилган Халқаро ислом академияси фикри- мизнинг далилидир. Бугун муассса- са таркибиде “Исломшунослик”, “Мумтоз шарқ филологияси”, “Ис- лом иқтисодиёти ва халқаро муно- сабатлар” факультетлари, “Илмий талқикотлар ва инновацион лойиҳа- лар”, “Зиё” медиа марказлари ҳамда Манбалар хазинаси бўлими фаолият юритмоқда. Айни пайтда академия базасида беш юзга яқин қўлёзма, бир минг беш юзга яқин тошбосма, ўн минг нусхадан ортқ замонавий нашрлар сақланмоқда. Улар ил- мий-маънавий, диний меросимиз дурдоналарини сақлашда, келгу- си авлодларга етказишда, бебаҳо



мерослар устида илмий талқикот ишларини олиб боришда ёшларга асосий маъна бўлиб хизмат қилади.

— Дунёда юз бераётган сийсий ва диний жараёнлар ҳамда турли ахбо- ри ва мақбуравий таҳдидлар бизни доимо огоҳ бўлишга ундамоқда, — дейди Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Шухрат Ёвко- чев. — Ана шундай шиддатли давр- да мамлакатимизда иқтисодий-ди- ний муҳитни соғломлаштириш, ўқув жараёнлари, маънавий-маъ- рифий ишларни жадаллаштириш, аждодаларимиз меросини ўрганиш ва талқик этиш долзарб масалалар. Экстремистларнинг ёвуз мақсадлар- ни, бузғунчи ғоялари бизни доимо хушёр ва огоҳ бўлишга чақиради. Яқинда дунёвий ва диний таълим йўналиши билан боғлиқ фанларни ривожлантириш ҳамда ўқитишни

янада тақомиллаштириш мақсади- да академияда “Диншуносликнинг долзарб муаммолари” мавзусида Республика илмий-амалий конфе- ренциясини ўтказдик. Соҳа му- тахассислари, турдош олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар- ни, талабалар ҳамда ноисломий конфессия вакиллари томонидан “Ёшлар диний мутаассибликка бе- рилишининг оилага боғлиқ сабаб- лари ва оқибатлари”, “Диний-маъ- рифий соҳа ходимлари малакасини оширишдаги долзарб вазифалар” каби қатор мавзулар муҳокама қи- линди. XXI асрда кун сайин ис- ломга бўлган қизиқиш ортиб бори- моқда. Афсуски, бу қизиқиш ортида исломни никоб қилиб, ўзининг сий- сий, жирканч мақсадларида фой- даланишга уринаётган кимсалар ҳам бор. Улар нафақат тинчлик ва барқарорликка, балки исломнинг софлигига ҳам таҳдид қилмоқда. Ўйлайманки, амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини беради.

Маъмура ХЎЖАҚУЛОВА

TAHLIL VA TALQIN

# “ЙЎҚОТИЛГАН АВЛОД” ДЕЙИШГА ШОШМАНГ

**Мустақил тараққиётнинг салкам ўттиз йилини ортада қолдирдик. Бу вақт мобайнида жамият бир қанча тарихий босқичлардан ўтди. Авлодлар ўртасидаги фарқни ўн йил деб оладиган бўлсак (негалиги мақола давомида аёнлашад), аввалига ўтиш даврини бошдан кечирдик. Кейин глобаллашув ва ахборот асри талабларига мослашишга тўғри келди. Мана, энди кенг ислохотлар босқичида яшамоқдамиз.**

Бугунги ўзгаришлар ва янги-лангишлар шиддати жуда баланд. Юртошларимиз ижтимоий мазмундаги ислохотларга, айниқса, таъсирчан. Бу тушунарли ҳолат. Ахир, таълим, соғлиқни сақлашдек бахайбаг тизимлар бутун жамият учун ишлайди. Демак, мантинан ўйлаб қараганда, уларнинг фаолияти одамларни бефарқ қолдириши мумкин эмас.

Истиклол йилларида маориф соҳасини туб ислох этиш жараёни, аввало, мактаб таълимидан бошланди. Юртимизда ўн икки йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий қилиниб, юзлаб академик лицей ва касб-хунар коллежлари қурилганини ҳамма яхши эсласа керак. Бирок ушбу таъриба ўзини кўп жихатдан оқолмади. Натижада биз яна 11 йиллик мактаб таълимига қайтдик.

Худди шу паллада оммавий ахборот воситалари йўл қўйилган катта хатолик эвазига бутун бир авлод бой берилгани ҳақида гапира бошлади. Журналистлар билиб-билмай қўллаган “йўқотилган авлод” истилоҳи бора-бора кенг жамоатчилик орасида кизгин баҳс-мунозараларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Улар ҳамон давом этмоқда. Шу тўғрисида мавзуга социологик нуқтаи назардан ёнашиб, баъзи масалаларга оидинлик киритишни лозим топдик.

Авлодлар ўртасидаги муносабатлар, шу жумладан, зиддиятлар муаммоси жамиятшунос олимлар эътиборини ҳамisha тортиб келган. Чунки инсоният борки, авлодлар алмашиберади. Лекин мазкур жараёнда авлодлар тўқнашувини ҳам кузатамиз. Аслида бу ҳолат табиий равишда юзага келишига қарамай, социология фанида барибир долзарб ижтимоий муаммо сифатида ўрганилади.

Фикримизча, авлодлар тўқнашувини зиддият дея қабул қилмаслик керак. Уни ворисийликка йўйиш тўғривор бўлар эди.

Энди “йўқотилган авлод” тушунчасига тўхталик. Бу атамани илк бор америкалик ёзувчи Гертруде Стайн қўллаган. Эрнест Хемингуэй эса, “Фиеста” романида Г.Стайннинг: “Сизлар барчангиз йўқотилган авлодсиз”, — деган машҳур иборасини эпиграф сифатида келтиради.

“Йўқотилган авлод” Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари оралигида пайдо бўлган тушунчадир. Бу авлод вакиллари балоғат ёшида урушга кетиб, беғунохлар қонини тўкишига мажбур бўлган инсонлар саналади. Фронтдан кейин уларнинг жамият ҳаётига мослашишни ниҳоятда қийин кечди. Оқибатда кўпчилиги ўз жонига касд қилди, бошқалари эса, ақлдан озди.

“Йўқотилган авлод” тақдирини машҳур немис ёзувчиси Эрих Мария Ремарк ҳам ўзининг “Қайтиш” ва “Уч ўрток” романида каламга олган. Қизиғи, Биринчи жаҳон уруши туғанига салкам бир аср ўтган бўлса-да, бирок бугунги ёшларни ўша давр аскарларига қиёслаётганлар бор. Баъзи таҳлилчилар XXI асрда “йўқотилган авлод”нинг пайдо бўлишига ишисизликни сабаб қилиб кўрсатмоқда.

Хусусан, охириги вақтда Гарб оламида таълим олишдан бебаҳра, иш топа олмаётган ёшлар ҳақида кўп гапирилади. Германия канцлери Ангела Меркель 2013 йилда “The Guardian” нашрига берган интервьюсида ёшлар ўртасидаги ишсизликни “Европанинг энг долзарб муаммоси” деб атаган. Қолаверса, у “йўқотилган авлод” пайдо бўлишига йўл қўймайлик учун Европанинг аъзолари Германия таърибасидан фойдаланиши, яъни талабаларга бир вақтнинг ўзида ҳам ўқиш, ҳам ишлаш имкониятини яратиши лозимлигини таъкидлаган.

“Йўқотилган авлод” ҳақидаги фикр-мулоҳазалар вақт ўтган са-

йин қайта-қайта кўпчиби чиқаётгани юқорида биз тўхтаган авлодлар алмашувини жараёнидаги тўқнашув ва зиддиятлар билан боғлиқ.

Гап шундаки, бир авлод ўз ўрнини иккинчисига бўшашиб бераётганида унинг даврида амал қилган социомаданий меъёрлар, аниқроғи, бир нечта ёндош авлодларни даврий бирлаштириб турган умумий рамзлар ҳамда рамзий ифодалар ҳам эскиради. Бу хусусда немис социологи Карл Маннгейм шундай ёзди: “Хар бир авлоднинг ўз вақт ўлчови ва тарихий-маданий макони мавжуд. Жамиятда авлодлар алмашувини инсон ҳаётининг биологик суръатига асосланган универсал жараён саналади. Унинг натижасида маданий маконда янги иштирокчилар пайдо бўлади, бу маконнинг эски иштирокчилари эса, секин-аста йўқолиб боради. Исталган авлод аъзолари тарихий жараённинг хронологик чекланган бўлагиде ҳаракат қила олади ва шунинг учун ўтган маданий меросни кейингиларга тинимсиз узатиб бориш лозим”.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: авлод ва ёндош авлод бир-бирдан нимаси билан фарқ қилади? Авлод маълум бир даврда ижтимоий фаолият юритган кишилар гурӯҳини ифодалайди. Ёндош авлод эса, демографик кўрсаткичларини ўзи ичига олган тушунча. Масалан, Ўзбекистоннинг мустақиллик даври ёшлари дейилганда 10 ёшли болалар ҳам, 20-25 яшар йигит-қизлар ҳам назарда тутилди.

Яна бир етук социолог Хосе Ортега-Гассет авлодлар алмашувининг даврий ўлчови ёки К.Маннгейм таъбири билан айтганда, “исталган авлод аъзолари ҳаракат қиладиган тарихий жараённинг хронологик чекланган бўлагини” хусусида фикр юритар экан, инсонда кечадиган биологик ва социал ўзгаришлардан келиб чиқиб, бу кўрсаткични ўртача 15 йил деб белгилашни тақлиф қилади. Унинг талқинига кўра, 15-30 ёш — ёшлик, 30-45 ёш — ташаббуслар даври, 45-60 ёш — ҳокимиятга боғланиб қолиш даври ҳисобланади.

Ўзбекистон шаронидан келиб чиқсак, мамлакатимиз мустақил бўлганига 27 йилдан ошди. Авлодлар орасидаги фарқни шартли равишда 10 йиллик “кадам” билан ўлчайдиган бўлсак, бугун истиклол даврининг учинчи авлоди бўй кўрсатяпти. Бу кенг ислохотлар даврида ўсиб-ўлғаяётган ёшлардир.

Жамият — тирик организм. У доимо ривожланишда. Демак, кейинги авлоддан аввалгисининг қараш ва истакларини тўлиқ намоян этишни кутиш беғойда. Чунки ҳар қайси авлоднинг ўз социомаданий меъёрлари бор. Мана шу оддий ҳақиқатни тушунамлик ёки қабул қилишни хоҳламаслик оқибатида авлодларро зиддиятлар юзга келмоқда.

Катталарнинг ёш авлодга салбий муносабати ва авлодлар ўртасидаги зиддиятлар қадимда ҳам бўлган. Масалан, антик давр юнон файласуфи Сукрот ўз замонаси ёшларининг ёмон олатлари, катталарни ҳурмат қилмаслиги, ота-оналари билан гап талашини, ўқитувчиларни азоблашадан ногилган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса шуки, мустақилликка эришганимиздан буён кузатишган ўтиш даври ҳамда ундан кейинги глобаллашув даврида шаклланиган, шу билан бирга, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг “қурбон”га айланган биринчи ва иккинчи авлод вакиллари зинҳор “йўқотилган авлод” сирасига қўшмаслик керак.

Комил КАЛОНОВ,  
социология фанлари  
номзоди, доцент

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA



# ЎЗГА ЮРТДА ХОР БЎЛМА, ДЎСТИМ!

**Uzanalytics.com таҳлилий манбаси Давлат статистика қўмитасига таяниб берган маълумотига кўра, ўтган йили мамлакатимиздан 4 миллион 134 минг нафар фуқаро хорижга ишлаш учун чиқиб кетган. Бу иқтисодий фаол аҳолининг чорак қисмини ташкил қилади.**

Хамюртларимиз асосан Қозоғистон, Россия, Туркия, АҚШ, Жанубий Корея, Исроил, Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетмоқда.

## САБАВЛАР ҲАР ХИЛ

Асосий сабаб — даромаднинг нисбатан юқорилиги. Масалан, 2018 йил мобайнида жисмоний шахслар томонидан Россия Федерациясидан Ўзбекистонга жўнатилган трансферарий пул ўтказмалари миқдори салкам 4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Умуман олганда, ёмон эмас. Ҳарқалай, иқтисодий таҳлил кўникмасига эга бўлмаган киши шундай, деб ўйлаши аниқ. Энди факт ва рақамларни четга суриб, масалга оддий инсон кўзи билан назар ташласак. Хорижга кўпинча таваққалига чиқиб кетаётган

рашлар турлича. Нима бўлганда ҳам, бир нарсани инкор этолмаймиз — меҳнат миграциясига кетаётганлар қайтаётганлардан кўра кўп.

## МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИГА КЕТАЁТГАНЛАР ҚАЙТАЁТГАНЛАРДАН КЎРА КЎП

### ҚАЙТИШ УЧУН МОТИВАЦИЯ КЕРАК

Чет элда кунини кўраётган ўзбекларимиз ақсар ҳолларда туман ёки кишлоғида иш йўқлигини, бўлса ҳам маош камлигини вақт кўриб қолди. Уларнинг гапига жон бор. Лекин танганинг бошқа томонига ҳам разм солаётган

ставкаси нақ 7 фоизга туширилди. Бундай шароит деярли ҳеч бир мамлакатда мавжуд эмас.

Кувонарлиси, давлат кўмагидан шу чоккача мусофирликнинг каттиги нонини еб, ёш умрини хазон қилиб келган айрим тенгқурларимиз ҳам фойдаланмоқда. Масалан, Навоий вилоятида ўтган йили олти нафар собиқ меҳнат мигрантга жами 370 миллион сўм маблағ имтиёзли кредит сифатида тақдим этилди. Шундан

магида “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармасига кредит сўраб мувожаат қилди. Хайру барокотли иш учун керакли маблағ дарҳол топилди.

Аброр нон цехини очган. Қўл остида тург нафар ишчиси бор. Нон ва нон маҳсулотларига талаб ҳеч қачон қаймайди. Демак, тadbirkor дўстимизнинг иши ҳамisha бароридан келишига шубҳа йўқ. Мухими, энди у хорижга кетиш фикридан батамом қайтган. Билгасак, ота-онаси бағрида фаровон ҳаёт кечириб, халқ меҳри ва розилигини қозонибга ҳаракат қилмоқчи.

### ВАТАН БАРИБИР ВАТАН

Зарафшон шаҳрида истикомат қилаётган Шерзодхўжа Файзуллаев умрининг нақ саккиз йилини Россияда ўтказди. Мухожирликка кетганда 20 ёшли гўр йигит эди. Кўп азобларни кўрди (харқалай, хозир бу ҳақда гапириб ортиқча). Ватан барибир ватан экан.

Ўтган йили тенгдошимиз 36 миллион сўм сармоя билан яқка тартибдаги тadbirkor сифатида кичик корхонани ишга туширди. Унда миллий ширинликлар тайёрланмоқда. Уч киши доимий иш билан банд. Шу жумладан, раффиса — Мухайё Маҳмудова ҳам. Ёш оиланинг топиш-тутиши ёмон эмас. Лекин Шерзодхўжа бундан-да юксак макссалларни кўзлаган. Ҳаммасига она юрти — Ўзбекистонда эришмоқчи.

### ҚОҚИЛДИ, ҚИЙНАЛДИ. КЕЙИН...

Нуроталик Ваҳоб Наврўзов ва Ислом Омонов кўшни Қозоғистон Республикасида ишлаб келган. Энди иккиси ҳам тadbirkor. Ваҳоб “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси кўмагида 25 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, туманда металл конструкцияли ромлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Исломбек эса, ўзини чорвачилик соҳасида синаб кўрмоқчи.

Кўхна Нуроталик яна бир фарзанди — Адизбек Турсунов маълум муддат Россияда ишлади. Қоқилди, қийналди. Кейин Ўзбекистонда бирин-кетин шахсий бизнесини йўлга қўяётган тенгдошларини кўриб, ҳаваси келди. Охири, ўзи ҳам тadbirkor бўлишга қарор қилди.

Ҳозир Адизбек бозори чаккон қурилиш материалларидан бири — шлакоблок ишлаб чиқармоқда. Иш бошлаши учун 50 миллион сўм маблағ қиёво қилди. Бўёғи улда-бурунлигию ишбилармонлигига боғлиқ.

Меҳнат инсонни улғулайди. Баҳона тўқиб, ўртамиена даромад, ҳаминқадар турмуш шароити, алдову чекловларга қўниқиб яшаш мумкин. Лекин бошқа йўللар ҳам бор. Масалан, ишқоат кўрсатиб, тақдирини ўзгартириш. Ахир, бу қўлимиздан келади-ку. Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ, азизлар.

Наргиза УМАРОВА



**ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ИШ ТОПИШИЛИНГИДА АСОСАН ҚОЗОҒИСТОН, РОССИЯ, ТУРКИЯ, АҚШ, ЖАНУБИЙ КОРЕЯ, ИСРОИЛ, БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ЖЎНАБ КЕТМОҚДА**



XOTIRA



## BAXSHILAR SARVARI

Xalq dostonchilik san'atining bizgacha yetib kelishi va yuksalishida baxshi-shoir Ergash Jumanbulbul o'g'li beqiyos hissa qo'shdi.

Atoqli folklorshunos olim Hodi Zarifov u haqda shunday yozgandi: "Ergash shoir kuylagan dostonlar o'zining g'oyaviy-badiiy yuksakligi bilan ko'zga tashlanib turadi. Bu dostonlardagi ijobiy qahramonlar va personajlarning xulqi, odobi, axloqi, insonga munosabati, faqat mehnatkash xalqqa xos fazilatlarini kishini o'ziga jalb etadi.

Ergash shoir dostonlarimizdagi xalqchilikni yana ham badiiy yuksaklikka ko'tarishda, obrazlarni xarakterli detallar bilan boyitishda, portretlar chizish, tabiiy manzaralar, etnografik faktorlarni jonli va hayotiy tasvirlashda, xalqning til boyligini, folklorning go'zal va badiiy vositalarini dostonlarda mukammal qadrlash va keng singdirishda barcha xalq shoirlarimizdan ustun turadi. Undagi quvvay hofizaning kuchligi kishini hayratga soladi. U o'zbek tilidagi biror she'riy asarni

ishtiyoq bilan bir marotaba o'qib chiqsa, boshdan-oyoq esida qolar edi. Shoir bir necha yuz ming satrni tashkil etgan o'nlab dostonlarni yod bilgan".

Ana shunday beqiyos iste'dod sohibining hayot va ijod yo'lini yoshlarimiz kengroq o'rganishi, ibrat olishi kerak. Shu orqali ularning qalbida vatanga muhabbat tuyg'usi, ilm olish va xalqqa xizmat qilish ishtiyoqi kuchayadi. Ergash Jumanbulbul o'zining "Tarjimai hol" dostonida kuylaganidek:

*Sakkiz yoshda bo'lib bolalarga sarvar, Bariga o'rgatib, ham bo'lib rahbar...*

*O'n ikkimda bo'ldim bir mullabacha,*

*Havas qilib meni ko'rsa bir necha,*

*Ilmga xizmat qip kunduz ham kecha,*

*Saboqlarni takror qilgan*

kullarim.

Baxshi ijro etgan "Go'ro'g'li" turkumiga kiruvchi "Ravshan", "Qunduz bilan Yulduz", "Xoldorxon", "Yakka Ahmad", "Dalli", "Kuntug'mish" kabi dostonlarda qadimgi va zamonaviy til, sodda uslub va badiiy tasvirlar benihoyat go'zal tarzda uyg'unlashgan. Bu asarlar bilan tanishgan kishi o'zbek tilining jozibasini his qiladi, qalbidagi jo'shinlik paydo bo'ladi. Inchinun, O'zbekiston xalq shoiri Abdulla Oripov bejiz: "O'zbek folklorining Navoiysi — Ergash Jumanbulbul o'g'li", — demagan.

Ijodkorning hayoti og'ir paytga to'g'ri keldi. Umring asosiy qismi erkis, razolat, xurofot hukm surgan Buxoro amirligida, keksaligi esa, sho'rolar tuzumi davrida o'tdi. Shunga qaramay, baxshi-shoir kelajakka ishonib yashadi, go'zallik va ezgulikka intildi, ma'naviy xazinamizni durdona asarlar bilan boyitay oldi.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a'zosi, folklorshunos olim Rahim Qodirning "Baxshilar sarvari" nomli asarida Ergash Jumanbulbul o'g'lini yaqindan tanigan insonlar va shogirdlarining esdaliklari keltirilgan. Kitobni o'qir ekansiz, o'sha zamonning voqealari, baxshi-shoirning siymosi ko'z o'ngingizda jonlanadi. Jumanbulbul o'g'li siymosiga hurmatning ortadi, madaniy merosimiz qanday mashaqqatlar evaziga bizgacha yetib kelganini teran anglaysiz. Qalbingizda dostonlarimizni avaylab, kelajak avlodlarga bezavol yetkazish istagi uyg'onadi.

"Baxshilar sarvari" adabiyot ixlosmandlari e'tiborini qozonishga shubha yo'q. Zero, millatning qadri ko'targan, ezgu g'oyalari va go'zal tuyg'ularni madh etgan ulug' shoir xalqimiz xotirasida mangu qolajak.

Nazokat YUSUFJONOVA

YURTIM MANZARASI



R.NAZARMATOV

PSIXOLOG QABULXONASI

Qadimda insonlar jamoa bo'lib kun kechirgan. Ulus ko'pni ko'rgan, oq-qorani ajrata oladigan odil inson tomonidan boshqarilgan. Balki shuning uchun ham rahbar deganda ko'z o'ngimizga yoshi katta, qattiqqo'l, jiddiy, qonun-qoidalar bilan ish yurituvchi inson keladi. Ammo bugun zamon boshqa. Rahbar bo'lish uchun faqat yoshi ulug'likni mezon qilib bo'lmaydi. Xo'sh, bugungi kun rahbari qanday bo'lishi kerak?

Avvalo, har bir inson o'ziga-o'zi rahbar bo'lib, ko'nglini taftish etishi kerak. Shunday bo'lsa, undan ma'lum bir jamoani boshqaradigan haqiqiy rahbar chiqadi. Rahbar — puxta bilim egallagan, muomala madaniyatiga riya qiladigan, voqea-hodisani to'g'ri baholaydigan, ko'proq jamoa haqida o'ylaydigan va albatta, iqtisodchi bo'lishi kerak.

Kuzatishlar natijasida aksariyat insonlar omadga ishonishi aniqlangan. "Omaddim kelib falon lavozimni egaladim" yoki "Falonchi omaddim ekan, rahbar bo'ldi", "Omadsizligim shu yerda pand berdi" kabi gap-so'zlar quloqqa chalingan. Bu kabi insonlar faoliyatini faqat omadga bog'laydi. Ammo bu bilan cho'qqini zabt etib bo'lmaydi. Bu haqiqatni tan oling. To'g'ri, omadga ishonish kerak, lekin baxtsizman deya, harakat qilmasdan, lavozim samandan tushadi deb, kutib turish kerak emas. Aniqlik maqsad bilan ish tutish lozim.

Avvalo, tanlayotgan kasbingizni se-

## RAHBARLIK YUKI



vib, yurakdan his eting. Kasbiy faoliyatingiz bilan boshqarlardan ajralib turish uchun o'zingiz va lavozimingizga boshqa rakursdan qarang. Innovatsion usullardan foydalaning. Siz rahbar bo'lishni istaysiz. Ammo bu ushalmas orzudek tuyulishi mumkin. Bunday tushkunlikni esdan chiqaring. Har bir inson hayotida kimgadir havas qiladi. Unga o'xshagisi keladi. Idealingizdagi insonning fazilatlarini, sizning yoshingizda u qanday yutuqlarga erishganini moviy qog'ozga ustun shaklida yozing. Yonidan o'z fazilatlaringizni yozib, xulqingizdagi salbiy jihatlarning ostiga chizing. Kundalik hayotda illatlardan imkon qadar xalos bo'lishga harakat qiling. Qog'ozga

yo'zgan fazilatlaringizni rahbarlik faoliyatingiz uchun zarur deb biling va ularga amal qilib ko'zlagan maqsadingiz tomon harakatlaringiz.

Oilada kimdir rahbar bo'lib faoliyat yuritisa, farzand ham shunga intiladi. Chunki ularda tashkilotchilik qobiliyatini yaxshi shakllangan bo'ladi. Rahbar ota-onalar ishdagi muammolarni imkon qadar oilada muhokama qilmasligi kerak. Sababi bolada o'z kasbiga nisbatan salbiy fikr uyg'onishi mumkin.

Oilada hech kim rahbar bo'lib ishlagan taqdirda ham ota-onalarning tashkilotchilik, liderlik fazilatlarini namoyon etishi kerak. Tashkilotchi rolidagi talabchan ota-onalarning o'z bo'lish orqali bolani liderlikka tayyorlash

mumkin. Bundan tashqari oilada o'z o'ringizga ega bo'lishingiz kerak. Siz fikr-mulohazalaringiz, muammolarga mustaqil yechim topishingiz orqali farzandingizga o'rnatib bo'lasiz.

Rahbarga maslahat

Tashkilot yoki korxonaga yangi rahbar bo'lib keldingizmi? Ishni nimadan boshlamog'chisiz?

Avvalo, yangi tashkilot muhitini o'rganing, sizdan oldingi boshliq olib borgan ish bilan tanishing. Har qanday vaziyatda ham o'zingizni tuting. Xodimingizga nisbatan o'ta qattiqqo'llik qilishdan o'zingizni tiyib. U xato qilsa ham jamoa oldida izza qilmasdan, shaxsiy hayoti, so'ngi kunlarda unda kuzatilayotgan xodimlardan so'rab, surishtiring. Barchasidan xabar topganingizdan so'ng, u bilan alohida suhbatlashing. So'zlaringizdan uni yaxshi xodim deb bilishingiz, dardiga sherik bo'la olishingiz va imkon qadar ko'maklasha olishingiz sezilib tursin. Hech qachon ishni birinchi o'ringa qo'ymang. Ya'ni, inson ekanligingizni unutmang. Xodimlarni kamsitmang. Hammaga yoqish qiyin, lekin siz buni uddasidan chiqishga harakat qiling. Asosiysi — barchani birdek ko'rib, jamoani o'lingizdek qabul qiling. Albatta, mehnatga yarasha rag'batlantirishni unutmang.

Feruza TOLIPOVA, psixolog

(Loyiha muallifi Ma'mura XO'JAQULOVA)

KICHIK TADQIQOT

## TOPISHMOQLARDAGI TILSIMLAR

Yoshlar ma'naviy kamolotida avlodlardan avlodga o'tib kelayotgan topishmoqlar alohida o'rin tutadi. Topishmoqning javobini izlash chog'ida tasavvurimiz jonlanadi, atrof-muhit haqidagi bilimlarni yodga olamiz, turli narsa-buyumlar, voqea-hodisalarni bir-biriga solishtiramiz. Shubhasiz, bunday ketma-ketlik miyani chiniqtirib, aqlni charxlaydi.

Xalq badiiy tafakkurining durdonasi sanalmish jumboqlar nafaqat ta'limiy, balki tarbiyaviy ahamiyatga ham ega. Sababi ular bolani hayotdagi turli jarayonlar haqida tahliliy fikr yuritishga undaydi. Topishmoq hajman ixcham janr bo'lgani bilan, uning zamirida ulkan ma'no mujassam. Necha asrlar avval paydo bo'lgan topishmoqlarda ajdodlarimizning dunyoqarashi, o'y-kechinmalari ham aks etadi. Buni jonivorlar haqidagi jumboqli savollarda yaqqol ko'rish mumkin.

Insoniyatning qadimgi ajdodlari hayvonlarga sig'inigani ma'lum. E'tiqodning bu ko'rinishi totemizm, deb ataladi. Qachonlardir iltirga ham totem sifatida qaralgan. Bu jonivorlar bilan bog'liq mifologik tasavvurlarni turli marosimlar, jumladan, chaqaloqni beshikka belash paytida ijro etiladigan aytimlar, bolaga kiydiriladigan chilla ko'ylakning "it ko'ylak" deyilishi yoki xalq ertaklaridagi endi tug'ilgan chaqaloqning kuchuk bolasi bilan almashtirib qo'yishga o'xshash motivlar talqinida ko'rish mumkin.



It obrazi topishmoqlarda ham ko'p uchraydi. Masalan:

*Vov-vov deydi baqiradi, Tug'ishganini chaqiradi.*

Bilamiz, it juda hushyor jonivor. U biron xavf-xatarni sezsa, vovullab bu haqda egasini ogohlantiradi. Yuqoridagi topishmoqning ikkinchi satrida keltirilgan "tug'ishganini chaqiradi" iborasida aynan shu ma'no ifodalangan. Taniqli olim G.Snesarevning ma'lumotiga ko'ra, ilgari tog'lik tojiklarda shunday odat bor edi — farzand ko'rgan ayol bolasini uch kungacha emiz-magan. Ona sutini sog'ib, itning bolasiga bergan. Bu udum orqali chaqaloq ramziy ma'nodagi itga tenglashtirilib, unga zi-yon yetkazishi mumkin bo'lgan yovuz kuchlarga go'yo it ro'para qilingan.

Xalqimizda bir onaning sutini emgan bolalar emik-dosh, qarindosh, deb ataladi. Demak, tog'li tojiklar inson va it bolalarini bir-biriga yaqin hisoblagan. Bizingcha, yuqoridagi topishmoqning yaratilishini ana shu qarash bilan bog'lasa bo'ladi.

Zardushtiylik mifologiyasida it yovuz kuchlarga qarshi kurashuvchi, mushkul dardlarda odamga yordam beruvchi, chorva mollarni yirtqich hayvonlardan qo'riqlovchi mifologik jonot sifatida tasvirlanadi. Bunday tasavvur ayrim topishmoqlarga ham ko'chgan:

*Soyada yotar, tinch qo'y boqar. El yotsa ham, shalpanquloq yotmaydi.*

Qadimda odamlar hayotining osoyishtaligi qisman itlarga bog'liq bo'lgani bois, bu jonivorlar muqaddaslashtirilib, totem darajasiga ko'tarilgan. "Avesto"da ham it yovuzlikka qarshi kurashuvchi poklik tim-soli sifatida ko'rsatiladi. Bundan anglashiladiki, topishmoqlarimiz zamirida mifologik tasvir va tasavvurlar talaygina. Ular ko'p asrlardan buyon yashab kelyapti va bundan keyin ham yoshlar tarbiyasida muhim o'rin tutishiga shubha yo'q.

Munisa JO'RAYEVA, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori

O'QING, BU QIZIQ!

Teatr san'ati antik davrda paydo bo'lgani bilamiz. Qizig'i shundaki, qadimgi Rim va Yunonistonda aktyorlikka munosabat bir-biridan tamomila farq qilgan.

Masalan, Yunonistonda har qanday erkin fuqaro aktyor bo'lishi mumkin edi. U sahnada ko'rsatgan mahorati uchun olqishlanar, hurmat va e'tirofga sazovor bo'lardi. Aktyorlar xuddi Olimpiada chempionlari kabi lavr gulchambarlari bilan sharaflangan ham tarixdan ma'lum.

Biroq qadimgi Rimda vaziyat butkul o'zgacha edi. Bu yerda aktyorlikka faqat quyi tabaqa vakillari loyiq ko'rilgan. Bunday odamlarga past nazar bilan qaralardi. Sahnada rol ijro etish masxarabozlik bilan tenglashtirilgan.

Shu bois ko'hna Rimda aktyorlikka ko'pincha qullar olingan. Buning uchun ular qo'shiq aytib, raqsga tushishni va niqoblarni chaqqonlik bilan almashtirishni bilsa kifoya edi.

Ko'chada ketayotganda ko'z ilg'agan hamma narsani birin-ketin sanash diqqatni jamlashga yordam beradi. Bunday mashq munozam bajarib turilsa, miya chiniqadi. Biron ish qilayotganda ikkala qo'lni harakatga keltirish ham xuddi shunday ta'sirga ega. Aytaylik, bir qo'lga yozib turib, ikkinchi qo'l bilan stol ustini artishga urinib ko'ring. To'g'ri, birdaniga o'xshamaydi. Mashqni avval bir daqiqa davomida bajarib, bir oydan so'ng besh daqiqaga yetkazish kerak. Qarabsizki, u odatga aylanadi.



BILASIZMI?

Ota-onalar voyaga yetmagan bolalarini tarbiyalash va ularga ta'lim berish borasidagi majburiyatlarini bajarmasa, shu jumladan, farzandlari ma'muriy huquqbuzarlik so'dir etgan taqdirda, 101 mingdan 608 ming so'g'macha miqdordagi jarimaga tortiladi.

Xuddi shunday huquqbuzarliklar ma'muriy jazo chorasi qo'llanilganidan keyin bir yil davomida takrorlansa, jarima miqdori 1 million so'm bo'ladi.


MUTAXASSIS OGOH ETADI

## Loqaydlik katta ko'ngilsizlikka sabab bo'ladi

Ba'zan turli maishiy xizmat ko'rsatish maskanlari va ishlab chiqarish korxonalarida yong'in xavfsizligi talablariga zid holda faoliyat yuritayotganiga duch kelamiz. Mas'ullar bunday loqaydlik sabab avvalo, mol-mulkiga zarar yetishi va ayniqsa, insonlar hayoti xavf ostida qolishini o'yab ham ko'rmaydi. Chunki bunday ko'ngilsizlik o'zimizda sodir bo'lmaydi, deb ishonamiz. Vaholanki, kichik e'tiborsizlik og'ir oqibatlariga olib kelishi hech gap emas. Shu sababli xonadonimizda ham, ish joyimizda

ham yong'in xavfsizligi qoidalariga og'ishmay amal qilishimiz zarur. Agar dunyoda sodir bo'lgan yirik yong'in va uning sabablarini o'rgan-sangiz, katta yo'qotishlar arzimas xato yoki loqaydlik oqibatida kelib chiqqaniga guvoh bo'lasiz. Ana shu dalilning o'ziyoq bizni doim hushyor torttirishi kerak. Axir Navoiy bobomiz: "Agar o'goh sen, shoh sen", — deya bejiz lutf etmagan.

Avaz TURSUNOV, Uchtepa tumani YXB boshlig'i, podpolkovnik



MUASSIS  
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va  
axborot agentligida 2017-yil  
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta  
ro'yxatdan o'tgan.


BOSH MUHARRIR  
Faxriddin KARIMOV  
TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov,  
Mehrinov Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov,  
Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),  
Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"),  
Yelena Kallina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi  
Hasan  
USMONOV

Dizayner  
Xurshid  
ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (71) 150-22-74,  
(71) 233-95-97,  
(71) 233-79-69 (faks)



"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.  
Hajmi — 2 bosma taboq.  
Korxonada: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.  
Buyurtma G-413  
Adadi — 21650

Boshiga topshirish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 00.55  
O'za yakuni — 00.15